



БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

14 ЙИЛ ЧИҚИШИ

№218 (3700).

3

НОЯБРЬ

ЖУМА

1967 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ОКТАБРЬ БАЙРОҒИ — ЗАФАР БАЙРОҒИ

ҲАММА ерда байрам шодонаси. Улуғ айём тантанаси. Диллар хушуд, қалблар қувонча тўла. Қувонсак, фахрлансак ҳақлимиз. Октябрь совет кишиларига озодлик, бахт, саодат бахш этди. Октябрь мамлакатимиз қиёсасини таъомилда ўзгартириб, уни асрий қозоқликдан, қашшоқликдан абадий кутқазди, тараққиётнинг олдинги марраларига олиб чиқди. Инсоният биринчи марта ёруғ дунёни, ёрқин йўлни, порлоқ келажакни, умид-орзулари рўёбга чиқадиган замони кўрди. Советлар Ватани бутун жаҳонга тинчлик, озодлик, тараққиётнинг қудратли машъали ва талачи бўлиб мағрур нур сочмоқда.

Октябрь самараларининг чеки ва поёни йўқ. Октябрь туфайли Советлар дёврида социализм тўла галаба қозонди, коммунизмининг пурдан чўққилари сари қомил ишонач билан олға бормоқда. Эндликда совет кишини ерданин эмас, кўкда ҳам олашумул тарихий галаба қозонди. Октябрь байроғи ҳар бир инсоннинг қалб ва дилинига, куч ва иқдомига зафар, буюқ янгиликлар, катта ўзгаришлар олиб келмоқда. Тараққиётнинг инсоният, ўз эрки, миллий мустақиллиги ва озолини учун курашаётган ҳар бир меҳнаткаш Октябрдан илҳомланмоқда. Октябрдан нур, куч-қувват олмақда.

Шу улуғ айём кунларида Ўзбек халқи Октябрь байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида барча соҳаларда эришган зафарлари, ўлкамизнинг социалистик ойдада гуллаб-яшнаётганини, Ўзбекистон Совет Шарқининг порлоқ ва майна республикасига айланганлиги билан фахрланади, партиямизга садоқати ва муҳаббатини яна бир бор изҳор этди.

Яри асрлик шонли юбилейимизни барча совет кишилари сингари пойтахт област меҳнаткашлари ҳам муносиб тўғоналар, улкан галабалар билан кутиб олдилар. Оққўрғон пахтакорлари, Бекобод металлургиялари, Охангонь кончилари, Олмалик ва Чирчиқнинг шонли ишчилари, Калинин районининг сабзавотчилари пиланд ташқари кўп миқдорда «ок олтин», цемент, кўмир, ўғит, пўлат ва бошқа ноз-неъматлар етказиб бердилар. Давлатга қўшимча равишда пахта топишни юзасидан олган социалистик мажбуриятимизни бажариш арафасида турибди. Областиимизнинг бир неча саноат корхоналари, колхоз ва совхозлари юксак мукофот — Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига таъсис этилган эсдалик байроқларини олдилар. Меҳнат, уруш ветеранлари, барча соҳалардаги илгор коллективлар ва кишилар ҳукуматимизнинг орден ва медаллари билан тақдирландилар.

Меҳнатда, ижода буюқ янгиликлар яратётган, космосни забт этиб, конит сирларини очётган, инсониятга янги ҳаёт йўлини — янаш, кураш ва тараққиёт йўлини кўрсатиб бераётган илгор, қаҳрамон совет кишиларига шон-шарафлар бўлсин! Капитализмни йиқитиб, янги давр, янги замон ўрнатган Улуғ Октябрга шон-шарафлар бўлсин! Коммунистик партия раҳбарлигида, Октябрнинг зафарли байроғи остида, улуғ Ленин йўлидан коммунизм-тантанаси учун олға бораверайлик!

ЯШАСИН ОКТАБР!

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ ХИРМОНИГА

2 ноябрга қадар областимизда пахта тайёрлаш плани 111,83 процент бажарилди. Бир кунлик ўсиш 0,75 процентни ташкил этди. Машина билан пахта териш йиллик плани эса 129,55 процент адо этилди. Оққўрғон райони йиллик пахта тайёрлаш планини — 117,87, машинада пахта теришни 134,15, Бўка райони — 115,87, машинада пахта теришни — 140,23, Ўрта Чирчиқ райони — 112,65, машинада теришни — 133,7, Янгиёул райони — 112,07, машинада теришни — 120,91, Юкори Чирчиқ райони — 111,7, машинада — 145,55, Оржоникидзе райони — 104,34, машинада — 91,82, Бекобод райони — 96,82, машинада — 105,23 процент бажардилар.

ЛЕНИН ҲАМИША БАРҲАЁТ

МОСКВА, 2 ноябрь. (ТАСС мухбири). Бутун Кремлда Владимир Ильич Ленин ҳайкали ойнади. Шу муносабат билан митинг бўлди.

Митингга пойтахтдаги барча районларнинг вакиллари билан бирга КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг бўладиган қўшма тантанали майлиси қатнашчилари ҳам келдилар. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари, Улуғ Октябр 50 йиллиги байрамида қатнашган учун пойтахтда келган социалистик мамлакатлар партия — давлат ва партия — ҳукумат делегациялари, коммунистик партияларнинг делегациялари ва совет жамоатчилигининг меҳмонлари бу ерда ҳозир бўлдилар.

Митингни КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гурининг очди.

Митингда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

Шу кунларда, Совет давлатининг ярим асрлик юбилейи нишонланган арафасида, дейди Л. И. Брежнев, барча совет кишиларининг фикр ва туйғуларини ҳамма вақтдагидан ҳам кўпроқ Ленинга қаратилган. Бу — қонуний алоҳида, чунки мамлакатимиз ва бутун инсоният тарихидаги энг улкан воқеа — Улуғ Октябр социалистик революцияси билан Лениннинг номи, Лениннинг даҳоси қабри, унинг бутун ҳаёти ва фаолияти қабри чамбарчас боғланган бошқа бирон нон йўқ.

Ленин Маркс ва Энгельс очган энг катта революцион нафисётларнинг бутун бойлигини ўзига сингдириб олди. Ленин ўзларининг гоиларини равожлантириб, бу тоғларга ўзининг мислисиз ҳиссасини қўшди. У революция ва янги камит курашининг принципларини ишлаб чиқдики бу принциплар бизга илҳом бағишлаб турди ва бизнинг авлодларимизга ҳам нозом бахш этди. Унинг мардонвор ақл-идроки инсоният учун янги янги уфқлар очиб берди.

Аммо Ленин фақат мутафаккиргагина эмас эди. У, минглаб мустахкам воситалар билан халққа ва энг аввало, ишчилар синфига боғланган эди. У, ишчилар синфининг уюшувидан нақадар катта куч ҳосил бўлишини кўра билди.

ШОЛИ — ДАВЛАТГА

Областда шоли тайёрлаш йиллик плани 2 ноябрга қадар 88,3 процент бажарилди. Шу жумладан Калинин — 133,0, Юкори Чирчиқ — 129,4, Оржоникидзе — 115,1, Янгиёул — 113,5, Ўрта Чирчиқ 100,8, Оққўрғон — 87,3, Бекобод — 60,5 процент бажардилар.

большевицкая партия туздики, бу партия унинг раҳбарлигида мамлакатимизнинг стакин сиёсий кучи бўлиб ўсиб етди.

Ленин ва партия, Ленин ва ишчилар синфи, Ленин ва совет халқи — бу, бир-бирдан ажралмас тушунчалардир.

Шуниси мароқлики, партиямиз асосинининг, дунёдаги биринчи ишчилар синфи давлати, биринчи раҳбарининг, революцион халқ доҳисининг ҳайкали худди шу ерда, Москва Кремлида ойнади. Кремль — халқимизнинг кўп асрлик қаҳрамонона тарихи рамзидир. Лениннинг иш қабирчиси ва квартираси — бизнинг қалбимиз учун шу қадар қимматли бўлган жойлар шун ерда, Кремлдадир. Оғир ва дахшатли йилларда Ленин шун ердан туриб, биринчи ишчи-деҳқон давлатига раҳбарлик қилди. энг Советлар — республикасининг мулофасига раҳбарлик қилди янги социалистик ҳаётни кўришга онд энг мураккаб проблемаларни хал этди.

Революцияимизнинг гоит катта ижодий кучига ақли етмаган кишиларга Ленин «Кремль ҳаёлараст» бўлиб кўринди. Ҳа, Ленин орзу-ҳаёл қилар эди. У, келажак-

КРЕМЛДА В. И. ЛЕНИН ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ

ни ҳаммадан яхшироқ кўра билди, у, социализмининг галабасига, коммунизмининг идеалларини тантанасига ҳамма вақт жуда каттаки ишонар эди. Унинг орзу-ҳаёли буюқ реализмнинг, вақт очиб берган нарсаларини кўра билувчи эҳтиросли революционернинг орзу-ҳаёллари эди. У халқнинг бахтли ҳур ҳаёти тўғрисида, фан ва маданиятининг равнаки ҳақида, халқаро революцион ҳаракатнинг янги-янги галабалари ҳақида орзу қилди.

Шунинг учун ҳам Ленин ўзининг бутун кучини бутун ҳаётини ана шу орзу-ҳаёлларининг рўёбга чиқишига бағишлади.

Ленин революциянинг буюқ назариячиси эди. Шунинг учун ҳам жаҳон тарихидаги энг буюқ революцияга амалда бошчилик қилиш ва бу революцияни галабага олиб келиш бахти Ленинга муяссар бўлди.

Маркс таълимоти шунинг учун ҳам гоилиб, у ҳақоний таълимотдир деган эди Ленин. Энди биз айтишимиз мумкинки, Маркс, Энгельс, Ленин буюқ таълимотининг ҳақонийлигини давлатимизнинг ярим асрлик тарихи, Октябрнинг

жаҳоншумул — тарихий таърибаси тасдиқлади.

Эндликда планетамиздаги барча илгор кишилар марксизм-ленинизм гоилари жаҳоншумул-тарихий галабага эришганлигини кўриб турибдилар. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи — тинчликнинг таянчи ва гарови, социализм ва коммунизм байроқлари Коммунистик партиянинг иродаси ва ақл-идроки билан, совет халқининг фидокорона меҳвати билан барпо этилди. Марсча-ленинча гоиларнинг галабаси қардош социалистик мамлакатлар халқларининг ишларида, халқаро коммунистик ҳаракат эришган ютуқларда намоён бўлди. Ана шундан кўрилади — Ленин даҳосининг энг улуғвор ҳайкалдир, асрлар оша абадий яшай берадиган ҳайкалдир.

Марксизм-ленинизм гоилари, Октябр гоилари сўмас машъала бўлиб, бутун дунё меҳнаткашларига озодлик йўлини чарогон қилиб турибди. Лениннинг фикрлари планета бўйлаб қудратли оқим каби ёйилмоқда. Дунёда бу фикрларнинг ҳамина голиб элсиб етиб бормай бирон жой йўқ.

Бутун шу митингда бизнинг чет эллик меҳмонларимиз биз билан бирга қатнашмоқдалар. Биз ўртоқларимиз, синфдош биродарларимиз, муштарак идеалларимиз учун курашдаги сафдошларимиз бўлган меҳмонларимизни чин қалбдан таъриблаймиз. Ленин меҳнаткашларнинг интернационал қардошлиги учун ҳормай-толмай курашиб келди, бу қардошлик тобора мустахкамланиб, галаба қозонмоқда.

Бизнинг халқимиз, дейди Л. И. Брежнев ўз сўзининг охирида, Ленин билан биргаликда Улуғ Октябр галабасига етиб келди. Биз Ленин билан биргаликда социалистик курашнинг фронтларида галаба қилдик. Биз Ленин билан биргаликда коммунизм тантанасига эришамиз.

Ленин гоиларининг алаңтаси миллион-миллион кишилар қалбид абадий ёна берсин! Лениннинг ўлмас иши шиддат билан олға босиб, галаба қила берсин!

Яшасин коммунизм!

Сўнгра 1-дават подшипини заводи слесарларининг бригадари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. С. Минаев, Москвада Октябр жағларининг қатнашчиси, таниқли совет олими академик К. В. Островиянов, В. И. Ленин номидаги Москва давлат педагогика институтининг студенти Ирина Алямова тўпланганлар олдидан нутқ сўзладилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Улуғ Октябр социалистик революциясининг 50 йиллигини нишонлаш учун 1967 йил 6 ноябрда Тошкент шаҳридаги Санъат саройида Тошкент област ва шаҳар партия комитетлари аъзолари, меҳнаткашлар депутатлари Тошкент област ва шаҳар Советлари депутатларининг иштироки билан Ўзбекистон

Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг қўшма тантанали мажлисини ўтказишга қарор қилдилар.

Тантанали мажлис қатнашчилари 1967 йил 4 ноябрь соат 10 дан 17 гача ва 5 ноябрь соат 10 дан 19 гача Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлис залда рўйхатга олинади. Телефон номери 95-457.



